



# TIL VA ADABIYOT TA'LIMI



Суратда Хоразм вилояти Янги-  
бозор туманидаги 10-мактаб-  
нинг олий тоифали она тили ва  
адабиёт ўқитувчиси Икром  
БОБОЖОНОВ

№ 7  
2011

*A*

## Mundarija

### Buyuk va muqaddassan, mustaqil Vatan!

E'tibor MUHAMMEDOVA, Mohin OMAROVA. O'zbekiston – mening Vatanim, baxt-u iqbolim makoni..... 3

### Muammolar, vazifalar, yechimlar

Абдулла УЛУҒОВ. Қиссаларда қалб акси ..... 13

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД. Йил ҳикоялари:  
ютуқлар ва изланишлар ..... 27

### Metodika

Inoyatxon TO'YCHIYEVA. Urg'u haqida bilim berish..... 34

Ikrom BOBOJONOV. Maktabda Uvaysiy ijodini  
o'rganish tajribasidan ..... 38

### Adabiyotshunoslik

Қозоқбой ЙЎЛДОШ. Замонавий ўзбек насри ёки  
эсселашган тафаккур ..... 43

### Bir asar tahlili

Қундузхон ҲУСАНБОЕВА. Кўнгилни мувозанатдан  
чиқарган сўз ..... 67

### Ma'naviy qadriyatlarimiz

Маҳбуба ХЎЖАЕВА. Буюк аллома ..... 76

Зилола ШУКУРОВА. «Қисаси Рабғузий»да туш  
талқини ..... 80

### So'rgan ekansiz

Дилрабо БАХРОНОВА. Баёзнавис шоир ..... 86

### 2011-yil – Kichik biznes va xususiy

### tadbirkorlik yili

Тадбиркор луғати ..... 89

### Abituriyentga yordam

Tazmin san'ati ..... 92

Savol-u javob san'ati ..... 93

Tansiq as-sifat san'ati ..... 94



O'zbe

(2011–20

ba

lan

«O

iq

o't

sa

bo

bin

Shu shi

maqsadini:

mobaynida q

iqtisodiy salo

nufuzi tobora

oshirilgan y

o'quvchilarga

Darsda k

vositalardan t

Sinf xona

ruhlantiruvchi

Masalan: «(

«Vatan mard

himmat»; «O

bo'l»; «Xalq

savob-javob v



Шундай экан, аз-Замахшарийга замондошлари томондан «Устоз ад-дунйа» («Бутун дунё устози»), «Устоз ул-араб ва-л-ажам» («Араблар ва ғайри араблар устози»), «Қаъбат ул-адаб» («Адаб аҳли учун бамисоли Қаъба») сингари шарафли номлар берилгани бежиз эмас. Буюк алломанинг ўлмас мероси бугунги авлод учун ҳам ибрат мактаби сифатида хизмат қилади.

**Махбуба ХҲЖАЕВА,**  
филолог.

<sup>1</sup> У. Уватов. Хоразмлик буюк аллома. Т.: Янги аср авлоди, 2006. 26-б.  
<sup>2</sup> Уша манба, 78–79-б.



### «Қисаси Рабғузӣй»да туш талқини

Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда туш кўриш билан боғлиқ мотивлар кенг тарқалган бўлиб, улар асар сюжети ва композициясини ривожлантириш, қаҳрамон характери яратилганда асосий воситалардан бири ҳисобланган.

Буюк мутафаккир Алишер Навоӣй ҳам ўз ижодида «туш» мотивидан ўринли ва унумли фойдаланган. «Туш» Навоӣй асарларида муқаддима ёки воқеа туғуни ўрнида келиб, ғоявий-бадийий муддаони ёритишга, қаҳрамонлар характери тақомиллаштириш ва тасвирини кучайтиришга хизмат қилган. Масалан, унинг «Лайли ва Мажнун» ва «Сабъаи сайёр» дostonларида «туш» воқеалар ривожидан бир муқаддима ёки «сабаби таълиф» вазифасини ўтаган.

Носириддин Рабғузӣй ҳам «Қисаси Юсуф алайҳис-салом» номли асарида Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётда шаклланиб, сайқал топган шу усулга бир неча ўринда мурожат қилган. Қиссада ўн битта туш тасвири келтирилган бўлиб, улар асар бадиияти ва ғоявий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Асардаги тушларни мазмун-моҳиятига кўра қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1. Башорат қилувчи тушлар;
2. Огоҳлантирувчи тушлар;
3. Хабар берувчи тушлар;

Гарчанд тушлар олдиндан инсонни нималар кутанганидан хабар берса-да, уни ўзгартириш ҳеч қимлаш моҳиятига қараб тушлар хосиятли ёки хосиятсиз бўлади. Масалан, Юсуф (а.с.)га пайғамбарлик мақоми берилишидан аввал у туш кўради ва келажакда унинг қандай даражага эришиши тушида аён бўлади: «*Етти ёшида эрса бир тунда туш кўрди, иничилари бирла таёғларин ёшида тикдилар, қамуғлари кўкарди, аммо узамади. Юсуф таёғи чечакланди, илк қат кўкка теги узади. Тақи азин таёғлар узағулига қилди. Баъзилар аймишлар, иничиларининг таёғлари Юсуф таёғинга сажда қилдилар*»<sup>1</sup>. Мазкур туш тасвири асосий воқеаларнинг бошланишига дебоча сифатида келтирилган бўлиб, у бутун қиссанинг маъно-мазмунини ўзида мужассамлаштирган.

Ёзувчи шу ўринда яна бир туш вариантыни беради: «*Иккинчи кеча яна туш кўрди, ўн бир юлдуз, кун ой бирла иниб Юсуфга сажда қилурлар*»<sup>2</sup>. Қуръони Каримнинг Алоуддин Мансур томонидан берилган изоҳига кўра Юсуф (а.с.) бу тушни кўрганда ўн икки ёшда эди. Тушдаги қуёш билан ой унинг ота-онаси, ўн бир юлдуз эса



ога инилари эди.<sup>3</sup> Келтирилган туш лавҳасига қўшимча тарзда берилган иккинчи туш тасвирида ҳам Юсуф (а.с.) га пайғамбарлик мақоми берилиши тўғрисида башорат қилинган. «*Башорат тушлар ўта сезувчан кечинмалар ҳосиласи бўлиб, буни одам бирдан англаб олиши қийин бўлади, ақл бу сезувчан ҳисларни ўз мантисига суюниб қабул қилолмайди. Уйқу пайтида эса бу кечинмалар туш сифатида келажакни ўзида намоён қилади, яъни у объект ҳақидаги таассуротларни тезлик билан ишлаб чиқиб, ўзидаги маълум ахборот билан қиёслаб, оқибатнинг қандай бўлиши тўғрисида хулоса беради. Ва кўпинча биз бу тушларни «**каромат**» ёки «**башорат**» тушлар деб атаймиз»<sup>4</sup>. Бу туш мотиви воқеа аввалида келиб «сюжетнинг асосий бўғинлари: тугун, кульминация, ечимлар ушбу мотив билан чамбарчас боғланган ҳолда воқеъ бўлади»<sup>5</sup> ва «бошқа мотивларни ҳам ўзи билан бирга етаклаб келади»<sup>6</sup>. Қиссадаги қолган туш тасвирлари ҳам Юсуф (а.с.)нинг муродига етишиши лавҳалари тасвирида ёрдамчи восита вазифасини бажаради. Ёзувчининг бунда халқ оғзаки ижодида қўллаб учрайдиган анъана изидан бориши асарнинг гоёвий – бадий қийматини оширган.*

Филология фанлари доктори Жолпар Эшонкулов эртак сюжетида туш мотивининг тутган ўрни, бадий юки ва бу жанрдаги тушларни ўзаро қиёслаб, уларни қуйидаги турларга ажратади:

1. Сюжет ўзагини ташкил этувчи намуналарда туш воқеа асосини ташкил этувчи таянч ўзак мотив вазифасини бажариши билан ажралиб туради. (Юсуф (а.с.)нинг дастлабки кўрган иккита туши);

2. Сюжетнинг маълум бир ҳалқаларини боғловчи намуналарда туш мотиви эртак сюжет тизимидаги ҳалқаларнинг маълум бир бўғинларини ўзаро бир-бирига

боғлаб туради. Бу тур ўрни ва моҳиятига кўра қуйидаги ички қисмларга бўлинади:

а) қаҳрамоннинг тушига кирган бирор-бир ғайритабиий куч ёки ҳомий руҳ хавф-хатардан қутулиш чорасини кўрсатади. (Юсуф (а.с.) нинг Миср аҳлини етти йиллик очарчиликдан қутқаришини башорат қилувчи туш);

б) қаҳрамон тушига кирган шахс ёки бошқа ишорат берувчи восита сабабли сафарга отланади. (Зулайхонинг Юсуф (а.с.) ни тушида кўриши);

с) эртак сюжетининг маълум бир ҳалқасида рўй беражак воқеа қаҳрамон тушида аён бўлади.<sup>7</sup>

«Қисаси Рабузий»нинг котиб Эшон Солиххўжа Тоҳир томонидан кўчирилган Самарқанд нашрида берилган туш тасвирида ҳам юқоридаги таснифга кўра биринчи гуруҳга кирувчи туш лавҳаси мавжуд. Бу лавҳани котиб матнни кўчириш жараёнида қисса мазмуни ва қўламини кенгайтириб, бойитиш мақсадида келтирган. Ҳақиқатан ҳам баъзи тушлар келажакда юз берадиган воқеълик ҳақида маълум бир белги, ишора, рамзлар орқали хабар беради. Тушларга хос шу муҳим хусусият улардан бадий асарларда ифода сифатида фойдаланишга кенг йўл очган. Самарқанд нашрида берилган Юсуф (а.с.) қиссасида Зулайҳо кўрган туш қуйидагича бошланади. «... етти ёшида Зулайҳо туш кўрди. Тушида Юсуф (а.с.)ни ҳусни жамол, сарпо тож била бу қисмда кўруб жони дил бирла ошиқи шайдо бўлиб андоғ бўлдики, чидолмай эгини йиртиб, баданини тишлаб олув эрди»<sup>8</sup>. Эътибор қилинса, Зулайҳо Юсуфнинг умр йўлдоши бўлишидан башорат берувчи бу туш тасвирини дастлаб етти ёшда кўрган. Юсуф (а.с.) ҳам пайғамбар бўлишидан дарак берувчи тушни дастлаб етти ёшда кўрган. (Қуръони Каримда ўн икки ёш деб келтирилган.)



Бу тушлар воқеа асосини ташкил этувчи таянч-ўзак ва-  
зифасини бажариши билан ажралиб туради.

Эртак ва дostonларда одатда қахрамонлар бир-  
бирини тушида танийди, гўзалликда танҳо парируй  
қиз манзили-маконини айтиб, кўздан ғойиб бўлади.  
Пахлавон йигит эса шу онда уйқудан уйғониб, севгили-  
сини излашга киришади. Юсуф (а.с.) қиссасида эса бу  
анъанавий лавҳани ёзувчи ўзгача талқин қилган. Яъни  
маъшуқага хос гўзал сифатлар, манзилни айтиш ҳолати  
Юсуф (а.с.) образига кўчирилган. Туш воқеаси Зулайҳо  
тақдирида туб бурилиш ясайди. Юсуф (а.с.)ни тушида  
кўрган Зулайҳо шу ондан оромини йўқотиб, севгилиси-  
нинг хаёли билан яшай бошлайди. Унинг кўйида оташ  
бўлиб ёнади. Асли Яман шоҳи («Абдурахмон Жомий  
талқинида Мағриб подшоҳи Таймус»<sup>9</sup>)нинг ёлғиз қизи,  
гўзаллиги, донолиги, камтарин ва хаёллилиги билан  
барчага манзур бўлмиш Зулайҳонинг бундай дарди-  
бедавога чалиниши нафақат ота-онаси, балки бутун  
халқни, дунё ҳақимларини ташвишга солади. Орадан  
бир йил ўтиб Зулайҳо тушида яна Юсуф (а.с.)ни кўради  
ва шунда: «Сўрдиким: сизни изласам қайдан толарман?  
Юсуф (а.с.): Мисрда Азизи Миср уйида толарсан, деди-  
лар ва ғойиб бўлдилар. Зулайҳо уйғониб боқса туши  
экан».<sup>10</sup> Ёзувчи қиссада эртак ва дostonлардаги анъа-  
навий туш тасвиридан фарқли ўлароқ туш лавҳасидан  
икки ҳолатда фойдаланган. Биринчи туш тасвирида-  
ги ноаниқ тасвир иккинчи туш лавҳасида аниқлашади.  
Яъни Зулайҳо Юсуфни қаердан топиш мумкинлигини  
иккинчи марта кўрган тушидан билиб олади ва бор дар-  
дини онасига айтади. Ота-онаси ўзаро маслаҳатлашиб,  
Миср Азизига совчи юбориб, ундан қизини хотинлик-  
ка олишни сўрайди. Миср Азизи Зулайҳони бажонидил

қабул қилади. Узоқ юртдан тўй-томоша қилиб олиб ке-  
линган Зулайҳо кўёв Юсуф (а.с.) эмаслигини билгач,  
дардини ичига ютиб сабр билан яшайди. Ниҳоят узоқ  
йиллардан сўнг Зулайҳо акалари томонидан қудуққа  
ташланиб, сўнг қул қилиб сотиб юборилган Юсуфни қул  
бозорда худди тушидаги ҳолатда кўради. Кўради-ю, эски  
дарди янгиланиб, қалбдаги муҳаббати қайтадан аланга  
олади. Бир-бири учун яратилган канъонлик Юсуф (а.с.)  
ҳамда яманлик Зулайҳо Миср элида шу тариқа бир-бири  
билан топишади.

Шундай қилиб, Рабғузий ижодида етакчи ўринда ту-  
радиган туш мотиви эртак ва дostonларда учрайдиган  
баъзи элементлар билан ҳамоҳанг бўлиб, воқеаларни  
ривожлантиришга, ҳикоянинг бадийлигини оширишга  
хизмат қилган.

## Зилола ШУКУРОВА, Низомий номидаги ТДПУ аспиранти.

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-жилд. Т.: Ёзувчи, 1990. 102-б.  
<sup>2</sup> Уша асар. 102-б.

<sup>3</sup> <http://www.muslimuzbek.net>

<sup>4</sup> Ж.Эшонкулов. Туш ва талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998, 2-сон. 41-б.

<sup>5</sup> Ж.Эшонкулов. Ўзбек эртақларида туш мотиви // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003, 4-сон. 13-б.

<sup>6</sup> Ж.Эшонкулов. Ўзбек халқ дostonларида туш мотивининг ўрни ва тавсифи // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003, 6-сон. 21-б.

<sup>7</sup> Ж.Эшонкулов. Ўзбек фольклорига туш ва унинг бадий талқини. 2010, 27-б.

<sup>8</sup> Уша манба. 205-б.

<sup>9</sup> Э.Иброҳимова. Жомий талқинида Зулайҳо образи // Адабий мерос. 1990, 2-сон. 44-б.

<sup>10</sup> Уша манба. 205-б.

